



**“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖДА ЮК ТАШИШ ЖАРАЁНИНИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ
АҲАМИЯТИ**

**Рахматов Зиёдилло Носирович -
Эргашев Шохрух Восилжон ўғли -**

Тошкент давлат транспорт университети

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a78

Аннотация. Ушбу мақолада темир йўл транспортда юк ташиш жараёнида блокчейн технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусиятлари кўриб чиқилган. Ушбу технология юк ташиш жараёнида маълумотлар базасини бошқариш имкониятини беради. Шу билан бирга блокчейн технологиясида маълумотлар хавфсизлигига билан бирга логистик сарф-харажатларни пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса юк ташиш жараёни оптималлаштириш имкониятини беради.

Калит сўзлар: Блокчейн технологиялари, маълумотлар базаси, юк таши, юк ташишни режаслаштириш, юк ташишни бошқариш.

**ЗНАЧЕНИЕ ТЕХНОЛОГИИ БЛОКЧЕЙН В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА
ГРУЗОПЕРЕВОЗОК В АО «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»**

**Рахматов Зиёдилло Носирович -
Эргашев Шохрух Восилжон ўғли -**

*Ташкентский государственный
транспортный университет*

Аннотаци. В данной статье рассматриваются особенности использования технологий блокчейн в процессе грузоперевозок на железнодорожном транспорте. Эта технология позволяет управлять базой данных в процессе доставки. В то же время технология блокчейн фокусируется на безопасности данных и снижении затрат на логистику. Это позволяет оптимизировать процесс доставки.

Ключевые слова: Блокчейн-технологии, база данных, доставка, планирование доставки, управление доставкой.

**THE IMPORTANCE OF BLOCKCHAIN TECHNOLOGY IN INCREASING THE EFFICIENCY OF THE
CARGO TRANSPORTATION PROCESS AT "UZBEKISTAN TEMIR YOLLARI" JSC**

**Raxmatov Ziyodillo Nosirovich -,
Ergashev Shoxrux Vosiljon o'g'li -**
Tashkent State transport universities

Annotation. This article examines the peculiarities of the use of blockchain technologies in the process of cargo transportation on the railway trackport. This technology allows you to manage the database during the shipping process. At the same time, a lot of attention is paid to reducing logistic spending along with data security in blokcheyn technology. This allows the shipping process to be optimized.

Keywords: Blockchain technologies, database, cargo transportation, cargo transportation planning, cargo transportation management.

Кириш. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт Ўзбекистон миллий иқтисодиёти тизимига шиддат билан кириб келмоқда. Рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизда кенг қўлланилмоқда. Транспорт соҳасида, жумладан юк ташишда логистик тизмининг барча иштирокчиларни мувофиқлаштириш орқали ташиш харжатларни камайтиришда кўплаб замонавий рақамли техника ва технологиядан фойдаланилмоқда. Ушбу масалани ҳал этишда энг мақбул вариантлардан бири блокчейн технологиясидан фойдаланишдир.

Шу сабабли давлат ва жамият тараққиёти янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни

қабул қилиб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси президенти 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисоднинг ривожланиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтди: «Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашини кўзда тутадиган «Рақамли иқтисодиёт миллий концепцияси»ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда «Рақамли Ўзбекистон-2030» дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур.

Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 30 фоизга ошириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлил

лар ҳам буни тасдиқламоқда. Шунинг учун Ҳукуматга икки ой муддатда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш топширилади. Бу борада ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур»[1]. Шунинг учун ҳам уни қандай ривожлантириш масалалари жамият ва халқ олдида қўндаланг бўлиб турибди. Транспорт соҳаси ва барча иқтисодий тармоқларда хавфсизликни таъминлаш учун худди шунга ўхшаш криптографик алгоритмлар ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Криптографик алгоритмларда ҳисоблаш масаласи мураккаблиги ва криптоаналитиклар томонидан таҳлил қилиниши натижасида алгоритмларга нисбатан шубҳалар келиб чиқмоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш янги замонавий конфеденциаллиги ва криптомустаҳкамлиги юқори бўлган криптоалгоритм ёки ҳимоя тизими зарурлиги кўпчилик мутахассислар томонидан айтилмоқда. Шу билан бир қаторда, ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси транспорт тизимида рақамли технологиялардан энг кўп қўлланилаётганларидан бири, блокчейн технологиясининг транспорт соҳасини ривожлантириш стратегиясининг баъзи бир йўналишлари муаллифлар нуқтаи-назаридан муҳокама қилинади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Транспорт соҳасида “Блокчейн” технологиясидан фойдаланиш масалаларининг назарий жиҳатлари чуқур ўрганилмаган булсада қуйдаги келтирилган илмий ишларда тадқиқ қилинган.

Бугунги кунда логистика соҳасида блокчейн 3.0. технологиясининг эволюцияси транспорт-логистика фаолиятини рақамли ҳисобга олиш тизимида харажатлар ва операциялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ноёб шифрлардан фойдаланган ҳолда умумий натижаларни автоматик равишда реестрда қайд этиб бориш. Блокчейн ихтиёрий педмет ҳақидаги маълумотларни очиқ алоқа тармоғи орқали узатувчи ягона ишончли технология бўлиб ҳисобланади деб D.Efanov ва P.Roschinлар ўз ишларида такидлаб ўтишган [2].

Мисол учун, Блокчейн технологияси орқали молявий маълумотларни ишончли сақлаш мумкин. Блокчейн технологиясини қўллаган ҳолда абонентлар ёки ташкилотларнинг мулкӣ ҳуқуқларини, электрон шартномалар, операциялар субъектлар ўртасида тўғридан – тўғри масофавий тарзда амалга оширилади.

Don ва Aleks Tapscottлар, “Блокчейн революцияси” номли асарида блокчейн бу иқтисодий трансакцияларнинг рақамли тақсимланган журнали ҳисобланади деб таъриф берганлар [3].

W.Mougayag ўз асарларида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига блокчейн технологиясининг таъсир доирасини алоҳида амалий мисоллар орқали ёритиб берган ҳолда, бугунги

кунда мазкур технологияни жорий этиш жараёнида юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари тўғрисида фикр юритган [4].

P. Vigna глобал иқтисодиётга блокчейн технологиясининг таъсир доираси, мазкур жараёнда йирик корпорацияларнинг ўрни масалаларига, M. Casey эса инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда блокчейн, майн технологияларининг ўрнига алоҳида тўхталган ҳолда уларнинг ижобий ва салбий таъсир доираларини таҳлил қилган [5].

Yu. Shols va T. Sheler ўз асарларида блокчейн технологияларининг асосий иқтисодий ва техник жиҳатлари, уларни қўллаш имкониятлари, ривожланиш истиқболлари, ишлаш тамойиллари, шунингдек, блокчейн тизимининг ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратишган [6].

В. Федотова ва Б.Емелянов блокчейн тушунчаси ҳозирги куннинг долзарб мавзу эканлигини, ҳозирда блокчейнлардан бутун дунёда кенг қўлланилаётганлига алоҳида тўхталишган. Блокчейн иқтисодий ва молявий амалиётга фаол кириб, мамлакатлар даражасида муҳокама қилиниши зарур бўлган мавзуга айланганига, кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари янги технологияга қандай муносабатда бўлишни ҳали ҳам англаб етишмагани, ушбу мамлакатлар аҳолисининг катта қисми блокчейн нима эканлигини ва унинг ўзига хос имкониятларини ўрганилмаётганлига эътибор қаратганлар. Шунингдек блокчейн технологиясининг асосий тушунчаларига тавсиф ва блокчейн платформадан турли соҳаларда фойдаланишнинг мумкин бўлган вариантларини тақлиф этишган [7].


Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон темир йўллари АЖ” да юк ташиш жараёнини самарадорлигини оширишда блокчейн технологиясидан фойдаланиш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантӣқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқот давомида ўрганилган манбаларда қайд этилишича, блокчейн (инглизча “blockchain”, “block” – блок, “chain” – занжир) “блоклар занжири” дан иборат тақсимланган маълумотлар базаси ҳисобланади! Блокчи сақлаш қурилмалари умумий серверга уланмаган ҳолда, маълумотлар базасини бошқариш имкониятини беради. Блокчейнда барча маълумотлар тўплами база маълумотларини янгидан шакллантириб тўлдириб боради.

Мазкур база маълумотларидан ҳеч қайси маълумотларни ўчириш, алмаштириш мумкин эмас. База “чексиз” – унга чексиз трансакция маълумотларини киритиш мумкин. Бу блокчейн

технологиясининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Блокчейн технологиясида барча иштирокчилар блокчейн тизимига улан-

ганлиги туфайли операциялар субъектлар ўртасида тўғридан – тўғри масофавий тарзда амалга оширилади.



1-расм. Блокчейн технологияси ишлаш принципининг умумий схемаси [8]

Юқорида кўриб чиққанимиздагидек, Блокчейн технологияси бугунги кунда барча соҳаларни ривожлантириш учун энг ишончли технология ҳисобланади. Миллий транспорт тизимида ҳам блокчейн технологиясини қўллаш ва амалётга жорий этиш усулларини тадқиқ қилиш ушбу тадқиқот мавзусининг асосий устувор вазибаларидан бири ҳисобланади [9].

Миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири – транспортни, унинг инфра-тузилмасини ривожлантиришда мавжуд ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш бугунги куннинг объектив заруриятидир. Чунки жаҳон иқтисодиётини ҳам, минтақа ёки мамлакат иқтисодиётини ҳам транспорт тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бугунги кунда транспорт тизimini ривожлантириш масаласи энг устувор вазибалардан бири этиб қўйилган.

Мазкур вазибани муваффақиятли амалга ошириш учун барча минтақаларда мавжуд имкониятларидан оқилона фойдаланиш, транспорт тизimini ривожлантириш ва шу орқали ягона транспорт тизimini шакллантириш зарур. Фақат шундай йўл билан минтақаларда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш мумкин. Ўзбекистонда давлат мустақиллиги йилларида транспортни жаҳон талаблари даражасида фаолият юритишини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ислохотлар ва қайта қуриш ишлари бошланди. Айниқса тармоқнинг асосий ишлаб чиқариш фондларини (ҳаракатлантирувчи воситалари — локомотивлар, вагонлар, автомобиллар ва автобуслар, қувурбоп трубалар, рельслар ва бошқалар) янгилаш ва реализация қилиш бўйича миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.


Ҳозирги кунда замонавий иқтисодий тизимда блокчейн технологиялари асосида, темир йўлларда юк ташиш самарадорлигини ошириш борасида чоп этилаётган қатор хорижий илмий нашрларда блокчейн технологиялари билан боғлиқ қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда:

- блокчейн технологиялари асосида темир йўлларида юк ташиш тизimini ташкил этишнинг моҳияти ва механизмини аниқлаш;
 - блокчейндан фойдаланишда мавжуд хавф-хатарларни тадбиркорлик субъектларининг ишбилармонлик даражасига ва бизнес жараёнларга таъсирини баҳолаш;
 - юк ташишда блокчейн бизнесига асосланган ақлли шартномалар тизimini ишлаб чиқиш;
 - юк айланмасида блокчейн технологиясидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш (логистик тизим занжирини бошқаришда тақсимланган реэстр тизимидан фойдаланиш) ва бошқалар.
- Блокчейн технологиялари асосида темир йўлларида юк ташиш тизimini таъминот занжири орқали бошқариш, унинг ишончилиги, барқарорлиги ва мослашувчанлигини таъминлаш имкониятини беради. Фикримизча, темир йўлларда юк ташиш тизimini таъминот занжири орқали бошқаришда блокчейндан фойдаланиш қуйидаги афзалликларни вужудга келтиради:
- таъминот занжири бўйлаб логистик сарф-харажатларни пасайтириш;
 - логистик тизимнинг операция фаолиятида тизимли рискларни диверсификациялаш;

- товарларни етказиб бериш ва сақлаш жараёнидаги йўқотишларни камайтириш;
- товарларни ишлаб чиқарувчилар ва уларни тарқатиш жараёни иштирокчилари бўйича маълумотлар шаффофлиги, ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлаш;
- логистик тизимга доир бизнес жараёнлар операцион фаолияти бўйича маълумотларнинг тўлиқ анонимлигини таъминлаш;
- логистик тизимнинг таъминот занжирида юқори даражадаги мослашувчанликка эришиш;
- юк ташиш бўйича рухсатномалар ва уларга илова қилинган рақамли хужжатлар, шу жумладан сертификатлар, лицензияларнинг чексиз муддатда сақланишини таъминлаш.
- ташқи савдо фаолиятида товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишни оператив тизимини шакллантириш;

– логистик тизимнинг таъминот занжири барча иштирокчилар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ва бошқалар.

Темир йўл инфратузилмасида таъминот занжирлари блокчейндан фойдаланишнинг афзалликлари яққол кўринса-да, ушбу технологиянинг ривожланиши эса транспорт ва логистика компанияларининг замонавий рақамли технологияларни жорий этишга технологик тайёр эмаслигини кўрсатади. Фикримизча, бу борада оптимал самарадорликка эришиш жараёни блокчейн технологиялари асосида темир йўлларда юк ташиш хажми самарадорлигини ошириш моделига асосланиши керак. Ушбу моделнинг умумий кўринишини куйидагича ифодалаш мумкин (2-расм).



2-расм. Блокчейн технологиялари асосида темир йўлларда юк ташиш ҳажми самарадорлигини ошириш модели [10]

Блокчейн технологиясига асосланган рақамли таъминот занжирида, темир йўлларда юк ташишни ташкил этишнинг таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро узвий алоқадорлик юк ташиш ҳажмини оширишнинг оптимал самарадорлигини таъминлаш имкониятини беради. Ҳар бир блокдаги маълумот қийматларини кейинги блок қийматига ўзаро таъсири вертуал шароитда амалга оширилиши сабабли, юк

ташиш хизматидан фойдаланувчилар тармоқ базаси юзага келади.

Блокчейн технологиясига асосланган рақамли таъминот занжирида, темир йўлларда юк ташишни ташкил этишнинг таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро узвий алоқадорлик юк ташиш ҳажмини оширишнинг оптимал самарадорлигини таъминлаш имкониятини беради. Ҳар бир блокдаги маълумот қийматларини ке-

йинги блок қийматига ўзаро таъсири вертуал шароитда амалга оширилиши сабабли, юк ташиш хизматидан фойдаланувчилар тармоқ базаси юзага келади. Уларнинг ҳар бирида индивидуал хизмат кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги темир йўлларда юк ташиш самардорлигини ошириш имкониятини яратиб беради.

Тадқиқот натижалари кўрсатадики, юк ташиш тизимини ташкил этишнинг тақсимланган реэстр технологияларидан фойдаланиш (*тарқатилган маълумотлар базаси, блокчейн, ақлли контрактлар*), амалда қуйидагиларни таъминлашга имконият эшигини очиб беради:

- реал вақт бирлиги ичида юк ташиш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар айланмасини автоматлаштириш орқали тасдиқлаш;

- товарларни етказиб беришнинг бутун тизим йўлини кузатиб бориш имкониятларининг яратилиши ва ташиш жараёнига хизмат қилувчи барча бизнес жараёни иштирокчиларининг белгиланган рухсатлар даражасига қараб (*ягона платформага киритилган маълумотларга асосланган ҳолда олдиндан текшириш ва кириш тартибига амал қилганларга автоматик равишда*) рухсат берилиши;

- бизнес жараёни иштирокчилари манфаатларининг уйғунлашуви, тузилган шартномаларнинг ўз вақтида бир нечта рақамли қурилмалар орқали шифрланган шаклда маълумотларнинг сақланиши, ишончилиги ва уларнинг хавфсизлиги таъминланиши.

Юк ташишни ташкил этиш ва бошқаришнинг интеграцион моделини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- Аъзолар. Анъанавий муносабатлар тизимидан фарқли ўлароқ турли хил товар ва хизматлар юklarини ташишда иштирок этувчилар ўзаро таъсирини ташкил этишнинг блок схемалари орқали ташкил этиш бўйича кўриб чиқилаётган модель асосида амалга оширилади. Блокчейн технологиялар транспорт бозорининг кўп субъективлигини ҳисобга олади ва кетма-кетликнинг кўп даражали конструкциясини яратилишини таъминлайди ягона ахборот доирасида ташишлар орқали ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириб боради. Шартли равишда ташиш жараёнида иштирок этувчиларни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- Ташиш жараёнида иштирок этувчилар, шу жумладан юк жўнатувчилар, ишлаб чиқарувчилар, товарларни қабул қилувчилар, инфратузилма ва умумий фойдаланишдаги темир йўл эгалари, нодавлат ташкилотлар, локоматив эгалари, операторлар, ҳаракатланувчи таркиб ва контейнерлар, экспедиторлик ташкилотлари.

- Юк ташиш жараёнини амалга оширилишини таъминловчилар, буларга божхона

органлари, давлат органлари, молиявий муассасалар, банклар ва суғурта ташкилотлари киради.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кўриб чиқилаётган модель доирасида темир йўллари доирасида қуйидаги қулайликлар яратилади:

- умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти поездлар ҳаракатини диспетчерлик ва марказлаштирилган назорат қилиш;

- юк ташиш тизимининг яхлитлигини таъминлаш, шунингдек, инфратузилмага киришнинг ягона тизими ва транспорт хавфсизлиги жараёни, шу жумладан ҳар қандай даражадаги фавқулодда вазиятларни тезда бартараф этиш каби масалаларни ҳал қилади.

- темир йўллари тармоғи бўйича барча бизнес жараён иштирокчиларини ягона платформага бирлаштириш, хизмат кўрсатиш шаффофлигини ва самарали фаолиятини йўлга қўйиш мақсад қилиб олиши ҳамда инфратузилма хизматларини кўрсатиш ва транспорт фаолияти учун бўғинлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини қўллаб-қувватлайдиган ахборот тизимига ўтишини кафолатлаш керак. Бундан ташқари темир йўл инфратузилмани сақлаш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш жараёнини бошқариши лозим;

- темир йўлларида юкларни ташиш бозорида рақобатни ривожлантириш мақсадида бир йўналишда ёки бир ҳудудда бир нечта ташувчиларнинг бир вақтнинг ўзида ишлаш имкониятларини яратиш;

- юк оқимини сақлаб қолган ҳолда ҳаракатланувчи таркиб операторларининг фаолияти юк вагонлари ва контейнерлар паркида тақчилликнинг юзага келишига йўл қўймаслик, шунингдек, уларнинг тасдиқланган тартиб қоидалар асосида темир йўл инфратузилмаси бўйича тармоқда талаб қилинадиган вагонлар сонини ҳисобга олган ҳолда юк жўнатувчи томонидан операторни танлаш имконияти бўйича кириш ҳуқуқига эга бўлган операторлар бозори модели яратилади.

- юк ташиш ҳажмини оширишнинг муайян тизимга блокчейн технологиясини жорий этиш муддатларини баҳолаш;

- блокчейн технологияси орқали юк ташишни ташкил этишнинг эҳтимолий ва оптимал риск даражасини баҳолаш;

- юк ташиш логистик тизимининг турли сценарийлари бўйича иқтисодий самарадорликни баҳолаш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси
2. Efanov D., Roschin P. *The All-Pervasiveness of the Blockchain Technology* // *Procedia Computer Science*, 2018, Vol. 123., 121 p.
3. Tapscott D., Tapscott A. *Blockchain Revolution: How the Technology Behind Bitcoin Is Changing Money, Business, and the World*, London Portfolio/Penguin, 2016
4. William Mougayar. *The Business Blockchain: a Primer on the Promise, Practice and Application of the Next Internet Technology*. 2016.
5. Paul Vigna, Michael Casey. *The Age of Cryptocurrency: How Bitcoin and the Blockchain Are Challenging the Global Economic Order*, 2015.
6. Yu. Shols, T. Sheler. *Технология blockchain. Принципы работы и перспективы применения.* // *Компьютерные и информационные науки*, 2017.
7. Федотова В., Емельянов Б. *Понятие блокчейн и возможности его использования.* *European science* № 1 2018.
8. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган
9. Melaniye Swan. *All rights reserved / Перевод. Блокчейн. Схема новой экономики.* — М. Свон-«ОлимпБизнес», 2015
10. Тадқиқотларга мувофиқ муаллиф томонидан шакллантирилган
11. Рахматов, З. (2020). *ZR Решение проблемы на рынке пассажироперевозки через маркетинговые коммуникации.* *Архив научных исследований.*
12. Рахматов З.Н. *“Маркетинглари самарадорлигини баҳолаш мезонлари”.* *“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы.* 2019 йил №4
13. Saidov Mashal Samadovich, Yuldoshev Nuriddin Qurbonovich (2023). *The Economy of the Countries of the World is Experiencing the Need for Nuclear Power Plants.* *AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT* ISSN 2576-5973 (online), Published by “Global Research Network LLC” under Volume: 6 Issue: 1 in Jan-2023 P. 86-99.
14. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm>
15. Saidov M., Alimov A. *Methods of Organizing Corporate Governance at the Enterprise.* *AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT* ISSN 2576-5973 (online), Published by “Global Research Network LLC” under Volume: 6 Issue: 1 in Jan-2023. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm>
16. Saidov M., Babomurodov B. *Improving Government Regulation of Corporate Governance.* *AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT* ISSN 2576-5973 (online), Published by “Global Research Network LLC” under Volume: 6 Issue: 1 in Jan-2023. P. 126-133 <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm>